



ТАШКЕНТ КЕҒИЛ МИЙРИМИН ЖОЛЛАЙДИ ҲЭР ҲАҚ, ТУҒЫСҚАНЫМ, ҚАНЛАСЫМ ЖАН ҚАРАҚАЛПАҚ!

Эртага Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳри маданияти кунлари тантанали суратда очилади

ДУШКЕНТ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

№ 204 (8. 402) 1993 йил 16 ноябрь, сешанба Сотувда эркин нархда

Газета 1966 йил 1-ноядан чиқа бошлаган



Андижон вилояти меҳнаткашларига

Мухтарам Андижон вилояти аҳли! Сизларни юксак маррага етганингиз — 352 минг тоннадан зиёд пахта топириб, катта меҳнат галабасига эришганингиз билан чин қалбдан табриқлайман.

Сиз эришган галабанинг баҳоси юксак. Бу йил деҳқонлар учун гоёт оғир келди. Андижон вилоятининг пахтакорлари ва барча меҳнаткашлари қийинчиликларни енгиб, ўзларининг ҳақиқий ватанпарвар ва фидойи инсон эканликларини амалда исботладилар.

Ваъдага вафо — марднинг иши. Андижон аҳлининг эришган меҳнат галабаси халқимиз яратган бу ажойиб ҳикмат тўғри эканини яна бир бор тасдиқлади.

Азиз дўстларим! Айли кунларда зўр шиқоат билан меҳнат қилаётган андижонликлар барча соҳаларда ислохотни изчил амалга оширишларига ишончим комил. Сизларга битмас-туганмас ғайрат, сийҳат-саломатлик, мустандил ўзбекистонимизнинг ёруғ истиқбол йўлидаги барча ишларингизда катта муваффақиётлар тилайман. Хонадонингиз доимо тинч ва обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
И. КАРИМОВ.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

15 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги факуллода ва мухтор элчиси этиб тайинланган Пол Бернин қабул қилди. Элчи Президентга ишонч ёрлигини топширар экан, мамлакатнинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси сифатида иш бошлаётганидан faxр-лашинини изҳор этди.

Ўзбекистон Президентининг жаноб Пол Бернин масъулиятли ва шарафли вазифа билан қўлга. Халқларимиз ўртасида дўстона муносабатлар равақ топиши йўлида

элчи жаноблари ўз ҳиссасини қўшажагага умид билдириди.

— Биз Буюк Британиянинг халқаро майдондаги нуфузини ҳурмат қиламиз, — деди Президент Ислам Каримов. — Ишонч ёрлиги топшириш маросими Ўзбекистон делегациясининг бу юртга сафари арафасида ўтаётгани ҳар икки томон ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш тарафдор эканидан дарак беради.

Маросимда республика Ташқи ишлар вазирини Саидмухтор Саидосимов ҳозир бўлди.

(Ў.А.)



НУКУСГА ҚАЛБИМИЗ БАҲОРИНИ ОЛИБ БОРЯМИЗ

Шухрат ЖАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар Ҳокимининг ўринбосари.

ХАЛҚИМИЗ орасида бир ибратли ривоят йишад келади. Бир доғишмайдан сўрабдилар: «Дунёда энг кучли нима?» Донишманд кулимирабди: «Ўзингиз нимада деб ўйлайсиз?» Сўраганлар арслон, тошчи дарё, азамат тоғ — хуллас ўзлари кудратли деб билган барча нарсага нисбатан айтиб чиқишди. Донишманд бош чайқади, дейди: «Айтганларингиз тўғри. Лекин баридан дўстлик кучлироқ. Инсон дўстлик билан арслонни қарасанга киритади, дарёларга тўғон солади, тоғни ҳам текислашга қодир. Чиндан ҳам ёнида содиқ дўсти бўлган киши ҳеч қачон доғда қолмайди. Шу дўстлик нисбатан қанот, кудрат, сабот бахш этади.

Қорақалпоқ ва ўзбек халқи босиб ўтган йўлга назар ташлар эканмиз, иниси халқнинг дўстлиги жуда муштакам, беэвола эканлигининг шохиди бўламиз. Ўзбек шонори ва маърифатпарвари Ҳамза Ҳакимзода Нисёий 1922 йилда Хўжайлига ташириб бу юртнинг эслайлик. У бу шаҳарда Қорақалпоғистонда биринчи интернатни ташкил этди. Қўнироғда ўзи тузган драмтуғул яқросида «Вой ила хизматчи», «Майсаранинг иши» каби ажойиб асарларни сахналаштирди. Ҳамза отган сўмоқ кейинчалик дўстлигининг ёрқин йўлига айланган. Ойбек, Гафур Гулом, Уйғун каби отагини шондор қорақалпоқ диверга ҳароратли сатрлар бағишладилар. Ўзбекистон халқ шонори Миртемировнинг «Қорақалпоқ дафтари» шеърини ўқиб ҳақдор ҳақ ҳам ҳайрат ва ҳалқон билан ўқиймиз. Асқад Мухторнинг «Қорақалпоқ қиссаси» поэсти ўзининг жуққиллиги билан ўқувчиларни мафтун этди. Қорақалпоғистон ҳақидаги самимий сатрлар Зулфия, Ҳамид Гулом, Эркин Воҳидов, Абдулло Орипов, Ҳалима Худойбердиева каби шондорларимиз нисбатан ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Театр, кино, тасвирий санъат, мусиқа бобини ҳам ҳамкорлигимиз, бир-биримизга шогирд, бир-биримизга устозлигимиз кўз-кўз қилувликдир. Бу нарсани шу йил январь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Қорақалпоғистон маданияти кунларида яна бир бор ўз исеботини топди.

Қорақалпоқ халқининг бағри кенглиги, самимийлиги тўғрисида жуда кўп сўзлашимиз мумкин. Аму билан Сирдан сув ичган қўли гул захматкашлар элидир Қорақалпоғистон! Тошкент шаҳри маданияти кунлари бошлангани арафасида қорақалпоғистонлик пахтакорларнинг катта меҳнат зафари ҳақида хушхабарни эшитиб, бошимиз осмонга етди. Дўстлар пойқадамига шунчалик улкан галабанинг победоз қилган қардошларимиз юртида маданиятимиз кунлари янада жуққилди, серфайз ўтиши шубҳасиздир.

Тошкент маданияти кунлари алоҳида меҳр билан тайёргарлик кўрди. Ташқи хонадалар, раққосалар, адиблар, рассомлар, бастакорлар ўзларининг энг яхши асарларини яратдилар. Уларда абجدий қардошлигимиз, дўстлигимиз юқори пардаларда куйланади. Гарчи олдин кузда дийдор кўришган бўлсак ҳам юракларимизда баҳор! Бу ҳам дўстлигининг яна бир ажойиб хислатидир.

«Сув куйаганда дарё тошади, халқ бирликда доғон ошади», дейди доно халқимиз. Биз азалий жондош қардошларимиз. Ота-боболаримизнинг доно нақлига ҳамиша амал қилиб йишад келдик ва шундай йишайверамиз. Қўшили қорақалпоқ туғроғига юрагимизда шундай муқаддас туйғулар билан қадим босмоқдамиз.

Ассалому алайкум, азиз қардошлар! Хонадонингизга қўт-барана ато этсин! Қорақалпоқ ва ўзбек халқининг азалий бирлиги гуллаб-йишайверсин!



ТОШКЕНТ ҲАР БИРИМИЗ УЧУН МЎҒТАБАР

Шарап УСНАТДИНОВ,
Нукус шаҳар Ҳокими.

ЯҚИНДА мен Шарқнинг буюк шонори Руданиннинг икки қатор шеърини алоҳида меҳр билан ўқидим.

Жаҳоннинг шодлиги йилгиса бутун, дўстлар дийдордан бўлмас устун.

Дилмига кўпдан ошно бу сатрлар назаримда худди бутун ёзилгандек туюлди. Ваҳоланки унинг ёзилганга ўн асрдан ошди.

Инсоний эр юзида қачондан бери йишад келатган бўлса, шунча йиллардан бери дўстликка, қардошлиққа эҳтиёж сезади. Ушбу фазилатларга инсонга осуда ҳаёт ҳам йўқлиги ҳеч нимага сир амас.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг дўстлиги юз йиллар билан ўлчанади. Ушбу гапимизнинг ҳақиқатини исботловчи тарихий ҳужжатлар эса жуда ҳам кўп.

Ўз-ўзиндан маълумки дўст, қардош, қўшили инсон халқ иқтисодий ва маданий жиҳатдан бир-бири билан ҳамбарчас болганиб кетган. Туркий халқлар орасида ўзбек халқи энг бой, юксак маданиятга эгадир. Шу сабабли қўшили халқлар ўзбек халқига талпиниб йишган, ўрганган бойиған.

Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳри маданияти кунлари — бу абجدий қардошлигимизнинг яна бир тасдиғидир. Ушбу кўтлуғ тadbир Президентининг Ислам Каримовнинг шахсан ташаббуслари билан ўтказилаётгани, айниқса, эътиборга моликдир. Қорақалпоқ туғроғида Тошкент шаҳри маданияти кунларининг ўтказилиши тарихимизнинг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қолади.

Ўзбеклар ва қорақалпоқлар — илҳиз бир халқлардир. Олижаноблик, самимийлик, софлик, меҳмондўстлик иниси халқга азалий одат. Худди шундай бизнинг маданиятларимизнинг ҳам илдизлари олис ўтмиш қарнига бориб тақалади. «Алломиш», «Ошиқ Ғариб» дostonлари иниси халқнинг муқдир. «Қирқиз» dostonи буюк дўстлигимизни куйловчи ажойиб эпосдир. Бердах битага қанчалар азия бўлса, Навоий ҳам шунчалар қимматлидир.

Тошкент — қорақалпоқлар учун муқаррам, мўғтабар, қардон шаҳар. Улар бу шаҳри азияда фаи, маданиятининг турли жаҳдларига ўқийдилар, таълим оладилар. Айнан Тошкентда ҳаёт йўлига етакловчи устозларнинг топадилар, уларнинг атакларидан маҳкам тутадилар.

Ўз уйингда қардошларининг кўтиб олиш қалба ажиб ором бахш этади. Бугун Нукус шаҳри байрам либосида. Унинг ҳар бир гўшаси қардошлик, биродарлик байрамини интизорлик билан кўтиди. Бугун ўзбек қўшиқларига қорақалпоқ раққосалари хиром этади. Қорақалпоқ бахшиси «Гўрўғли» dostonларини икром этганда ўзбек қардошларимиз берилиб тинглайди. Бугун байрам садоларидан Аму сувлари чайқалиб, мажн уради.

Хуш, келибсиз, тошкентлик қардошларимиз! Қадимларингизга ҳасанот!

«Тошкент оқшомининг бугунги бутун бир маҳсулуси оини Қорақалпоғистон Республикасида ўтаётган Тошкент шаҳри маданияти кунларига бағишланган бўлиб, оқшомонлар эътиборга ҳавола этилган раиғ-баранг мақоаларда, назм сатрларда ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг асрлар синовидаи ўтган муштакам дўстлиги, қардошлик алоқаларини тараннум этилади.

Ислам КАРИМОВ:
Бир ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак: Ўзбекистон тақдири—бу Қорақалпоғистоннинг ҳам тақдиридир. Ўзбек халқининг келажаси—қорақалпоқ халқининг ҳам келажасидир.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

Ў Нукусда бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йилгишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Ў Бухоро вилояти фаолларининг йилгиши ва Қашқадарь вилояти фаолларининг кенгаши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда беравар тўлов воситеси сифатида «Сум-Купонлар»ни муомалага киритиш тўғрисидаги қарорини бажариш масалаларига бағишланди.

Ў Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг кенгайтирилган йилгишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши сессиясида ва яқинда республика Вазирлар маҳкамасида бўлиб ўтган йилгишида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама қилинди.

Ў Шу ойда республикамиз жамоатчилиги буюк аллома, шонир ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигини кенг ишонлайди. Тошкентда бўлиб ўтган юбилей комиссиясининг навбатдаги мажлисида тантанавалар муносабати билан амалга оширилиши керак бўлган тадбирлар муҳокама этилди.

Ў Кеча Алишер Навоий номидидаги санъат қошонисиде атоқли олим, академик Обид Содиқов таваллудининг 80 йиллиғига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар Обид Содиқовнинг республикамиз илм-фан тароққийига, илмий надрлар тайёрлаш ишига қўшган улкан ҳиссасини, ажойиб инсоний фазилатларини ҳақида гапирдилар.

Ў Тошкентда Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилотининг Европа минтақаси делегацияси маҳжон бўлиб турибди. Доктор Асвалл бошчилиғидаги бу делегация Ўзбекистон Республикаси Соғлиғини сақлаш вазирлиғида қабул қилинди. Унда Ўзбекистоннинг Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилоти Европа бўлимига аъзо бўлиш хоҳиши назор, этилди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

Ў Кеча Тулға Россия Бош вазирининг ўринбосари О. Сосковец келди. Унинг бу ташрифи Россия Президентининг бу ерга келишига тайёргарлик доирасида амалга оширилмоқда. 16-17 ноябрь кунлари Борис Ельциннинг Тулға ташрифи режаси тайёрланди.

Ў Тошкентнинг раҳбариятининг хабар қилишича, республика янги нуқсадга рубль зонасида қолади. Лекин эски нуқсаддаги рублларнинг янгикига қанон алмаштирилиши ҳақида ҳеч нарса айтилган йўқ. Бу нарсани республика бозорларида нарх-навоининг қаддан ташқари ошиб кетишига олиб келди.

Ў Кеча ўтказилган Москва банклареро валюта савдосида АКШ бир долларининг қиймати 1185 рублин ташкил этди. Бу олдинги курсаткидан 5 рубль ортқ демакдир.

Ў Утган кун миғ-миғлаб кишилар Қивилли шаҳрининг марказий майдонига тўпландилар. Маълумки, шу кун эрталаб Жанубий Осетия иниси ишлар вазирини Порпат Жюев ўз уйида ўлдирган эди. Парламент раиси Л. Чибров тўпланганлар қотилга ўлм. жазоси берилишини талаб этишликларини хабар қилди.

Ў Кеча Россия Конституциявий суди биринининг 6-қаватида йиғини рўй берди. Енги таллик билан ўчирилди, лекин бир киши ҳалок бўлди ва бир киши жиддий жароҳатланди.

ХОРИЖДА

Ў Кеча Юрмалада Россия—Латвия музокараларининг навбатдаги босқини бошлади. Россия делегациясининг бошлиғи Сергей Зотов бу музокараларнинг давлатларро шартноларга тайёргарлик кўришида тўб бурлиши бўлиши мумкинлигини айтди.

Ў ГФР канцлери Г. Коль расмий ташриф билан Пеннингга келди. Ушбу ташрифнинг кўзда тутилган бош мақсад Хитой билан Германия ўртасидаги иқтисодий алоқаларини кенгайтиришидир.

Ў Исроил ташқи ишлар вазирини Перес унинг мамлакат фаэластикилар билан мунозараларни давом эттириши, Якин Шарқ муаммоларини тинч йўл билан ҳал қилишга интилишини айтди.

Ў Кеча Бразилия республика ташқи этилганлигининг 104 йиллигини нишонлади. Расмий маълумотларга кўра, мамлакатда 35 фозонлик пул қадрсизлигини ҳукмронлик қилмоқда, 32 миллион киши эса чор-ночор яшамоқда.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

ЯҚИНДА Юнусобод тумани ҳокимлигида хусусийлаштирилган савдо, маънавий хизмат кўрсатиш ва умумий ошқатлаш шохобчаларининг иш тақрибиде ва муаммолари ҳақида кенгаши-мажлиси бўлиб ўтди. Унда пойтахтда савдо бирлашмалари, концернлари ва хиссадорлик жамиятларининг ҳамда тумандаги савдо ташкилотлари, умумий ошқатлаш шохобчалари ва маънавий хизмат кўрсатиш ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Кенгаши-мажлисида республика хусусийлаштириш комитетини бошқармаси бошлиғи А. Мўминов, Тошкент шаҳар маънавий хизмат уюмасининг вақили С. Исаев, «Покиза» савдо ишловчи қарши бирлашмаси директори Н. Одиқўжаев, туман сановат-курчилик банкнинг бошқарувчиси К. Абдурахмонов ва бошқалар сўзга чиқди. Туманда хусусийлаштиришнинг борини ва муаммолари ҳақида кенгаши-мажлиси бўлиб ўтди. Унда пойтахтда савдо бирлашмалари, концернлари ва хиссадорлик жамиятларининг ҳамда тумандаги савдо ташкилотлари, умумий ошқатлаш шохобчалари ва маънавий хизмат кўрсатиш ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Кенгаши-мажлисида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари А. Абдуқодиров, Тошкент шаҳар Ҳокимининг ўринбосари В. Қўнаев, Давлат солиқ комитетини Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи А. Фаёуллов, Юнусобод туман ҳокими А. Қосимов қатнашдилар.

Маълумат МИРЗАЕВА.



1937 йил 9 январда туғилган. Маълумоти—олин. 1958 йилда Кембриж университетини археология унвасида тугатган.

1959-1961 йиллар — Буюк Британия Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазирлиғида унчи котиб.

1961-1963 йиллар — Буюк Британиянинг Венадаги элчихонасида унчи котиб (Австрия).

1963-1965 йиллар — Буюк Британия Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазирлиғида инчи котиб.

1965-1968 йиллар — Буюк Британиянинг Тронхеддаги элчихонасида инчи котиб (Эрон).

1968-1970 йиллар — Буюк Британия Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазирлиғида биринчи котиб.

1970-1972 йиллар — Давлатдаги араб тадқиқотлари марказида ўқиган.

1972-1975 йиллар — Буюк Британиянинг Абу-Дабидаги элчихонасида биринчи котиб (Бирлашган Араб Амирликлари).

1975-1977 йиллар — Буюк Британиянинг Кохирдаги элчихонасида биринчи котиб (Миср).

1977-1980 йиллар — Буюк Британия Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазирлиғида биринчи котиб.

1980-1984 йиллар — Буюк Британиянинг Афинадаги элчихонасида биринчи котиб, кейинчалик маслаҳатчи (Греция).

1984-1985 йиллар — Буюк Британиянинг Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазирлиғида ишлаган.

1985-1987 йиллар — Буюк Британиянинг Гонконгдаги кунроли кунлари қўмондонлиги сиёсий маслаҳатчиси.

1987-1992 йиллар — Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазирлиғида маслаҳатчи.

1992-1993 йиллар — Буюк Британия Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари вазирлиғида бош тадқиқотчи ходим.

1993 йилдан — Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вақили. Увланган, бир ўғил, бир қиз бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг маъбуот шўбаси.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).

- Сен ҳам шундай қиласанми?
— Ҳа, бўлмасам-чи?
— Қўй, бунақа қилма, — дедим.
Қиз янраб кетди. Исиб кетибсан, деб костюминини олиб қозғайди...

Олписбой СУЛТОНОВ

БАХТЛИ
БЎЛГМ КЕЛАДИ

(ЖИССА)

Ўйлаб-ўйлаб ўйинга етолмайман. Роза ортимдан соядек эргашади. Кўп ўтмай тўйимиз бўлди. Завод бир ой берди...

Жоним? — жердида бир эркак овози.
Жон-полам чиқиб кетди.
— Шу уйнинг эгасинан.
Эркак додираб қолди.
— Шу уйнинг эгасинан деганини.
Уйнинг эгаси Тошкентга кетгану! — Розанинг шангилагани эшитилди...

Бу мени эмас, — деди жон ҳолатда кампир.
— Сиз нима бўласиз?
— Онамсан, — деди кампир сал тугилиб.
Миршаблардан бири озғиним хилдади.
— Маст эмас, — деди. — Лекин аҳволим оғир. «Тез ёрдам» чақираман.

(Давоми бор).



УИИМДАН то мен ўқиган мактабгача салкам ўн чақирим бор эди. Шу оралиқни ҳар кун тендошларим билан...

ШУМАНАЙЛИК

ЙИГИТНИНГ
ДОВРУҒИ

Бугунги кунда мактаб ўқувчиларини олиб кўрсанчи? Бор-ўғи бир бекатга ҳам автобус ёни биров-бир улар кутуб ўтиради.

Жалғасбай Болтабоевни ўзбекистонлик спорт мухлислари ҳам жуда яхши билишади. Унинг юқоридаги фикрларига қўшилмасликнинг сира иложи йўқ.

Ангрленда жойлашган жисмоний тарбия техникумида ўқиб юрган кезларим, — дедя хотирамда Жалғасбай. — 1000 метр масофага югуриш бўйича мусобақа ўтказилган эди. Ушанда мен бирга югурётган тендошларимдан икки айлана олдинга ўтиб маррага 48 секунд натижа кўрсатган эдим.

Ж. Болтабоев жуда камтар ва камсуғум йигит. Ютуқларидан магуруланиб кетмайди. Аксинча, тинмай ўз устида машқ қилишни қанда қилмайди.

Раҳим МАМАЖОНОВ.

КАРИМБЕРГАН дарсга келганда бир зумда атрофини кўрсодларни ўраб олишди.
— Олимпиадада голиб чиққаннинг билан табриклиймиз, дўстим!
— Раҳмат, мени математик қилиб етиштирган устозларимдан жуда миннатдорман.

Кўрсодлардаги ажойиб кайфият, ёқимли маънари кузатиб турган Жаббор ҳам аксинча самимий тилаклар билдирди.

Тошкент Давлат муаллимлар тайёрлаш институти математика факультетининг 5-курс талабаси Каримберган Қудойберганов дегани — ҳар йили республика олимпиадасида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Бизда ака-ука Қудойбергановларга ўхшаш биланга чанқоқ, зукко, интидорли ёшларимиз талантина, — деди математика факультетининг декани, физика-математика фаллари номзоди, доцент Мамажон Мадримов.
— Факультетимиз бўйича Қорақалпоғистон Республикасидан келган 60 нафарга яқин йигит-қизлар таълим олишяпти, Улуғбек номидаги давлат спендиенция олиншига муваффақ бўлаётган 5-курс талабаси,

Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманида яшовчи Мухтор Ибрагимов ҳам ака-ука Каримберган ва Жабборлар каби бошқаларга ўрнак кўрсатишяпти. Қорақалпоғистонлик талабаларнинг билгани олишти, ўзлари қизиққан фалларни ўқиб-ўрганишлари ва яшашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

* Талабалар
ҳаётидан

УЛАРАН
ЎРНАК
ОЛИШЯПТИ

Дарҳақиқат, Қорақалпоғистондан келган йигит-қизлар яшаётган 1-ётоқхонани кўздан кечириб, бунга ўзимиз ҳам амин бўлдик. Уқишдан сўнг бу ерда бемалол хордиқ чиқариш, ўз билгани боитини имконияти мавжуд. Шундоқгина рўнақ радаги бинода эса ўзв зади, ўйингоҳ уларнинг хизматида. Талабаларнинг иштироки хомия қилишга ҳам алоҳида эътибор берилётгани яққол сезилиб турибди.

Саъдулла ШОДИЕВ.



Эркин кураш бўйича спорт устаси, махсуслаштирилган кураш мактабининг мураббийси Нукусбой Тўқилбоев шогирди билан.
Карам Урашов сурачлари.

ЕЛКАНГ ЕРГА ТЕГМАСИН,
ПОЛВОН!

Қорақалпоғистон Республикасида миллий кураш федерацияси ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизнинг тикланаётгани борасида миллий курашнинг ривожлантириши, ёшлар орасида еттишиб чиқётган истеъдодли спортчиларга байхўрлик қилиш бўйича анча хайрли ишларни амалга оширилди.

РЕСПУБЛИКАДА миллий курашнинг ривожлантириши, ёш полвонларини излаб топилмақдасида жумҳурият давлат спорт комитети, миллий кураш федерацияси, давлат телерадио компанияси билан биргаликда «Кураш-93» турнирини ташкил қилди.



Жаҳон биринчилигининг қумуш совриндориги оғир атлетикачи Сергей Сирцов ва унинг устози Слава Пак (чапда).

Мухаррир ўринбосари Солиҳ ЕҚУБОВ.

ТИЖОРЯТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОМАЛАР

КОРХОНА Тошкент шаҳридаги омбордан

чет элда ишлаб чиқарилган юксак сифатли автосервис ва таъхисни аниқлаш ускуналарини СОТАДИ:
— мувозанатлаш дастгоҳи,
— автосервис учун махсус асбоб,
— гидравликнинг жойлашувини ростловчи қўлғишмаси,
— шиналарни ўриштириш ва бўшатиб олиш мосламаси,
— девгатель ишини ташқириш мосламаси,
— микропродесери автостепер,
— СИ, СНИн аниқлаш.

ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

ҚОНДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

Қуаги-қизини маъсуи бошланғич билан газ асбобларини ишта туширилади.

Газдан захарланиш ва бошқа бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсидида ҳар бир хонадон эгаси газдан тўғри фойдаланиш қону-қондаларига қатъий амал қилишлари лозим.

Шуни эслатиб ўтиш зарурки кўп қаватли биноларда ва шахсий уйларида хоналарни газ билан иситиш ҳолатлари учраб турибди. Бундай ҳолат газ таъминотини пасайиб кетиши, одамларнинг захарланиши ва ҳар хил касалликларини келиб чиқишига сабаб бўлади.

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни эслатиб ўтади:

- газ плиталаридан хонани иситиш учун фойдаланманг;
— газ горелкаларини бекорга ёниб туришга йўл қўйманг;
— ойнали иссиқхоналар ва гаражларни газ билан иситиш қатъий тақиқланади.

94-ўйда негизотиб қилувчи Махаммадиевлар оиласида ноқонуий равишда улаб олинган иситиш печасидан дудуруннинг қизиб кетиши натижасида ёнғин чиққан.

Жиззах тор кўчаси, 83-ўйда истиқомат қилувчи Расуловлар оиласида ноқонуий равишда ишлатилган иситиш печасининг назоратсиз қолдирилиши сабабли ёнғин чиққан, бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

ЕШНИНГИЗДА БЎЛСИН! Фойдаланилган табиий газ учун ҳақ бепайини кўриш 10-кундан кечиктирилмай кўриш-жамағана бўлимларини талаб турилиши лозим.

УНУТМАНИ! Газ асбобларини техник қўриқдан ўтказганлиги учун ҳақ қиланларнинг ўзига қитанция ёниб бериладиганига нақд пул билан тўланади.

Шу ерда шуни таъкидлаб ўтганимиз лозимки, ўтган ойда Яқкасарой тумани Саломатини кўчасида номалум шахс томонидан қўрилган газ учун фуқаролардан жойларда нақд пул олиб кетилган.

Газ бўлигини ҳодимларини уларнинг шахсини тасдиқловчи тўғвухомаси бўлган таъдирдагина хонадонингизга киритилсин.

ЕДИНГИЗДА БЎЛСИН! Табиий газ жуда қулай ва арзон қилиб фойдаланиш талаб қилинади.

ГАЗ БОЙЛИГИМИЗ — УНИ АСРАШ ҲАР

БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ.

«ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ

«АМАЛИЯ ҲАМҚОРЛИК»
САВЕХЛИК ФИРМАСИ

Бу Сизнинг истагингиз, бизнес оламида Сизнинг ёрдамчилигиз ва энг арзон баҳо.

БИЗ СИЗНИ, «ШОП-ТУР»ларга ЧОРЛАЙМИЗ.

Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Туркия, Германия (автомашина харид қилинади), Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Малайзия, Сурияга.

Гуруҳлар билан ва яна ҳолда жұпатамиз.

ВИЗ СИЗНИ КУТАМИЗ, КЕЛИНГ, ҚўНГІРОҚ ҚИЛИНГ!

Мулоқот телефонлари: 33-81-93, 32-38-97.

МАЊИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 9-уй, 1-қават, 106-хона.

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими

Бош бошқармаси

27-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

олий ва ўрта махсус билимга эга бўлган ишчи соҳаси бўйича МАЊАҚАЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСТАЛАРИ

КЕРАК

Дурадгор. Сувоқчи-бўёқчи.

ОНИГА 50 МИНГ МАОВИ ТўЛАНАДИ.

Шунингдек малакали жисмоний тарбия ўқитувчиси керак.

Манзилгоҳимиз: Спутник-4, Прикарпат кўчаси, 44-уй. Телефонлар: 58-44-20, 57-71-76. Транспорти: 75, 58, 40-автобусларнинг «27-хунар-техника билим юрти» бекати.

Собир Раҳимов тумани ошхоналар трести жамоаси 4-ошхона мудири Сайфулла Абдуганиевич Болтабаева онаси

Назира СОЛИҚОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия нэхор қилади.

МУАССИСЛАР:

Ҳақ депутатлари Тошкент шаҳар Кеитани ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган.

Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан

ташқари ҳар кун ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 33-297; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалаларни бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун

жавобларини уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП,

Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 33-уй. Ҳажми — 2 бетлик тўлқ. Объект. Қўғон бичими А — 2. Нашр кўрсаткичи 64690.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси. Ҳузуридаги «Шарқ» илтифат-матбаа концерни.

Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6